



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК

сиёсий фанлар доктори, доцент, ТДШУ

Аннотация. Мақолада Марказий Осиё давлатлари, уларнинг тасарруфида бўлган ҳудудларда дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, ўзбек дипломатияси тараққиёти масалалари тарихи ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан ҳозиргача етарли ўрганилмаган бўлса-да, муаммо тарихининг турли даврларини, шу жумладан, замонавий халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш асосан мустақиллик йилларида бошланганлиги таъкидланади. Муаллиф ўтказилган тадқиқотларни муаммовий-хронологик метод асосида шартли равишда бир неча йўналишга ажратган.

Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё, дипломатия, халқаро муносабатлар, ташиқ сиёсат, геосиёсат, иқтисодий дипломатия, иқтисодий дипломатия, парламент дипломатияси, оммавий ва рақамли дипломатия.

Аннотация. В статье отмечается, что хотя представителями общественно гуманитарных наук пока недостаточно изучены процессы формирования и развития дипломатии государств Центральной Азии и территорий, находившихся в их подчинении, а также история развития узбекской дипломатии, всестороннее изучение различных периодов истории проблемы и вопросов международного сотрудничества в основном началось в годы независимости. Автор на основе проблемно-хронологического метода условно подразделяет проведенные исследования по нескольким направлениям.

Опорные слова и выражения: Центральная Азия, дипломатия, международные отношения, внешняя политика, геополитика, экономическая дипломатия, парламентская дипломатия, публичная дипломатия, цифровая дипломатия.

Abstract. The article notes that although representatives of the social and humanitarian sciences have not yet sufficiently studied the processes of formation and development of diplomacy of the Central Asian states and territories, subordinate to them, as well as the history of the development of the Uzbek diplomacy, a comprehensive study of various periods in the history of the problem and issues of international cooperation mainly began in the years independence. The author on the basis of the problem-chronological method conditionally subdivides the conducted research into several directions.

Keywords and expressions: Central Asia, diplomacy, international relations, foreign policy, geopolitics, economic diplomacy, parliamentary diplomacy, public diplomacy, digital diplomacy.

Кириш. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёнинг давлатлараро алоқалари ва дипломатияси ҳам кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон ҳудудида дипломатик муносабатлар тарихи энг қадимги даврлардан бошланган бўлиб, унда саклар ҳукмдори Зарина қўшинлари билан парфияликлар ўртасида бир неча йил давом этган уруш тинчлик шартномаси билан якунланган¹. Шартномага кўра, парфияликлар амалда ўз мустақилликларини саклаб қолишган. Бу шартнома Ўрта Осиё дипломатияси тарихида тарих фанига маълум бўлган биринчи халқаро битим ҳисобланади.

¹ Retveladze E., Saidov A. O'zbekiston hududida eng qadimgi davrda diplomatik munosabatlarning rivojlanishi (Development of diplomatic relations in the territory of Uzbekistan since ancient times). Toshkent, "Inson huquqlari bo'yicha Milliy markaz", 2001. 40 pp.

Ўрта асрлар дипломатияси тарихига оид дастлабки манбалар суғд, форс, араб ва туркий тилларда битилган. Бу ўринда илк ўрта асрларда Самарқанд ҳокими Диваштич Чочга Суғд элчиси сифатида Фатуфарнни жўнатган. Диваштич Фатуфарнни билан билан бирга 712-714 йилларда алоҳида ҳам ҳам ёзиб юборган. Мазкур мактубда Чоч турк ҳокони ва Фарғона подшоҳи ҳузурига борган элчи орқали махсус дипломатик вазифа қўйилган, унда араб истилочиларига қарши биргаликда курашишга даъват қилинган¹.

Ўрта асрлар дипломатиясига оид ноёб манбаларда давлатни идора қилиш усуллари, сиёсати, қонун-қоидалари, расм-русумлар ва ахлоқ тамойиллари билан бир қаторда элчилик масалалари ҳам баён этилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида “Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак, билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак” дейилган. Шунингдек, у элчиларни “кўзи тўқ” кишилардан тайинлаш, очкўз ва мол-дунёга хирс қўйганларни хорижий алоқа билан боғлиқ ишларга яқинлаштирмасликни маслаҳат беради². Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асарида “Элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган, сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агарда элчи ёши улуг ва олим бўлса яхшидир, юборилган надим шу йўсинда бўлса, ишонч уйғотади,” деб подшоларга ўғит беради³.

Юқорида зикр этилган асарлар ўтмишда ҳам туркий халқлар дипломатияси юксак маънавий асосларга таянганини кўрсатади. Темурийлар даври дипломатияси ўзига хос бўлган бўлиб, Амир Темур дипломатиясини асосли равишда “Ақл ва жасорат билан қўлга киритилган кадр-қиммат ва улуғворлик” дея баҳолаш мумкин⁴. Ўрта Осиё дипломатияси тарихига оид қимматли маълумотлар АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Туркия ва Эронда нашр этилган адабиётларда ҳам учрайди. Масалан, Э. Олвортнинг АҚШда чоп қилинган “Ўзбеклар” монографиясида “Ўзбек дипломатияси” ҳақида айрим фикрлар баён этилган бўлса, хорижий шарқ мамлакатларида эълон қилинган қатор илмий тўпламларга Ўрта Осиёнинг бу давлатлар билан олиб борган алоқалари, турли даврлардаги ёзишмалари ҳақида қимматли маълумотлар киритилган. Тадқиқотда қадим замонлардан то XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврда юртимиз ташқи алоқаларида рўй берган тарихий воқеалар баён этилган.

Мақолада давр тараққиётига мос равишда дипломатиянинг фаолият қўлами тобора кенгайиб бораётганлиги, шунингдек, ҳозирги пайтда кечаётган халқаро глобаллашув жараёни дипломатия фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатаётганлиги таҳлил қилинган. Дипломатик фаолиятнинг мумтоз шакллари ва вазифалари сақланиб қолганига қарамасдан, халқаро муносабатлардаги янги жиҳатлар — қўп томонлама ва минтақавий дипломатиянинг жадал ривожланиши, мисли қўрилмаган халқаро иқтисодий муносабатлар, “дипломатия иккинчи йўналиши оқими” барибир XX аср охири ва XXI аср бошларидаги дипломатияга жиддий таъсир кўрсатди.⁵

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги юз йилликда халқаро муносабатлар тизимида айрим мамлакатларнинг ҳукмрон мавқени эгаллашга уринишлари, жаҳон иқтисодий инқирозининг чўзилиши дунё миқёсида зиддиятлар ва бетартибликнинг янада кучайишига олиб келди. Шундай вазиятда замонавий дипломатия олдида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш каби долзарб вазифа қўйилди.

¹ Xayrullayev M. O‘zbek diplomatiyasi tarixidan. (From the history of Uzbek diplomacy). Toshkent, 2003. 41 pp.

² Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilik (Saodatga eltuvchi bilim). Toshkent, “Fan”., 1971. 419-421 pp.

³ Nizomulmulk. Siyosatnoma (Policy). Toshkent, “Yangi asr avlodi”., 2008. 97 pp.

⁴ Xidoyatov G.A. Osnovi diplomatii (Fundamentals of Diplomacy). Toshkent, UMED., 2002. 18 pp

⁵ Mavlanov I.R. Ekonomicheskaya diplomatiya Indii v usloviyax transformatsii mirovogo poryadka (India's Economic Diplomacy Amid the Transformation of the world order). Toshkent, 2010. 96 pp.



Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон замонавий дипломатияси ривожланиш тарихини тадқиқ этишнинг назарий асосларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси: ўрганилаётган муаммонинг назарий ва концептуал асосларини очиб бериш.

Усуллар: Мақолада тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Натижа ва мулоҳазалар. Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчилари, шунингдек амалиётчилар дипломатиянинг турли йўналишлари бўйича методологик, илмий, амалий, таҳлилий изланишлар олиб бормокдалар. Бу соҳадаги тадқиқотлар дипломатиянинг узок тарихий ўтмишидан тортиб, ҳозирги кунларгача бўлган фаолияти, тажрибаларини ўрганишни ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, ўтмишда Марказий Осиё давлатлари, уларнинг тасарруфида бўлган ҳудудларда дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган.

Дипломатия бўйича тадқиқотлар инсоният тарихида дастлабки давлат тузилмалари қарийб бир вақтда, яъни милoddan аввалги IV-III минг йилликларда Мисрда ва Месопотамиянинг жанубий ҳудудларида вужудга келганини кўрсатади.¹ Бу давлатлар тарихини ёритиш мазкур тадқиқот объектига кирмасада, Бобил подшоси, моҳир сиёсатчи ва дипломат Хаммурапи (мил. авв. 1792-1750)нинг давлат ва жамиятни бошқаришга оид ишлаб чиққан 282 моддадан иборат қонунлари, давлат ва жамиятни бошқариш ҳамда халқаро муносабатларни тартибга олишга оид фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Базальтга миххат ёзувида битилган бу қонунлар ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларини қамраб олган. Бевосита Ўзбекистоннинг мустақилликкача бўлган даври дипломатияси тарихи Марказий Осиёда жойлашаган халқларнинг давлатлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Марказий Осиёнинг давлатлараро алоқалари ва дипломатияси ҳам кўп асрлик тарихга эга. Э.Ртвеладзе ва А.Саидов муаллифлигидаги ёзилган “Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши”² асари Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврлардан то V асргача бўлган даврлардаги дипломатик муносабатларга бағишланган. Мазкур асарда келтирилишича, Ктесий Книдскийнинг маълумотларига кўра, Мидия подшоси Киаксар даври (мил. авв. 685-625 йй.)да Бақтрия босиб олинган, подшолик чегаралари Амударё бўйларигача чўзилган. Бу ерда сак қабилалари мидияликларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Кейинчалик, подшо Астиабара даврида парфияликлар мидияликларга қарши қўзғолон кўтариб, Мидиядан ажралиб чиқишган. Улар ўзларини Мидиядан ҳимоя қилиш учун сакларни ёрдамга чақиритган. Саклар ҳукмдори Зарина қўшинлари билан парфияликларга ёрдамга келган. Бир неча йил давом этган уруш тинчлик шартномаси билан якунланган. Шартномага кўра, парфияликлар амалда ўз мустақилликларини сақлаб қолишган. Бу шартнома Ўрта Осиё дипломатияси тарихида фанга маълум бўлган биринчи халқаро битим ҳисобланади³.

Ўша даврда Рим ва Хитой империяларини бир-биридан ажратиб турган Парфия подшолиги билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳар иккала империя учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Милoddan аввалги II аср охирида Хитой императори У-ди ташаббуси билан Хитой ва

¹ Xidoyatov G.A. Istoriya diplomatii (History of diplomacy). Toshkent, 2002. 8 pp.

² Retveladze E., Saidov A. O'zbekiston hududida eng qadimgi davrda diplomatik munosabatlarning rivojlanishi (Development of diplomatic relations in the territory of Uzbekistan since ancient times). Toshkent, "Inson xuquqlari bo'yicha Milliy markaz", 2001. 40 pp.

³ Shu joyda. 40 pp.



Парфия подшолиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Хитой элчиси шарқий чегарада 20000 отлик суворийси бўлган парфиялик кўмондон томонидан кутиб олинган ва Парфия давлати пойтахтига кузатиб борилган¹. Инсоният цивилизацияси тарихида қадимда Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаган биринчи трансконтинентал йўл – Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши ўша давр элчилари эришган улкан ютуқ бўлди.

Мамлакатимизнинг илк ўрта асрлар дипломатияси тарихига оид дастлабки манбалар форс, араб ва туркий тилларда битилган бўлиб, уларда ўрта асрларга оид ноёб материаллар мавжуд. Жумладан, Суғд элчиси Фатуфарнинг Самарқанд ҳокими Диваштичнинг Чочга жўнатган мактуби алоҳида ўрин тутади. Подшо Диваштичнинг 712-714 йилларда ёзилган деб фараз қилинаётган мактубида Чоч, турк ҳоқони ва Фарғона подшоҳи ҳузурига борган элчи орқали махсус дипломатик вазифа қўйилган, унда араб истилочиларига қарши биргаликда курашишга даъват қилинган².

Ўрта асрлар дипломатиясига оид ноёб манбалардан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асари бўлиб, унда давлатни идора қилиш усуллари, сиёсати, конун-қоидалари, расм-русумлар ва ахлоқ тамойиллари билан бир қаторда элчилик масалалари ҳам баён этилган. Муаллиф: “Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак, у билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак”, – дейди. Шунингдек, у элчиларни “кўзи тўқ” кишилардан тайинлаш, очкўз ва мол-дунёга ҳирс қўйганларни хорижий алоқа билан боғлиқ ишларга яқинлаш-тирмасликни маслаҳат беради³.

XI асрда салжукийлар давлати ҳукмдорлари Алп Арслон (1063-1072) ва Маликшоҳ (1072-1092) давларида хизмат қилган Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (“Сияру-л-мулк”) асарида: “Элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган, сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўтқир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агарда элчи ёши улуғ ва олим бўлса, яхшидир, юборилган надим шу йўсинда бўлса, ишонч уйғотади”, – деб подшоҳларга ўғит беради⁴. Юқорида зикр этилган асарлар узок ўтмишда ҳам туркий халқлар дипломатияси юксак маънавий асосларга таянганини кўрсатади.

Темурийлар даври дипломатияси тарихшунослигини ўрганишга оид кўплаб асарлар яратилган бўлиб, улар орасида Г.Ҳидоятонинг “Основы дипломатии” асари муҳим ўрин тутади. Маълумки, XIV аср охирида усмонийлар империясининг Европага ҳужум қилишидан хавфсираган ғарб давлатлари Боязид таҳдидидан қутилиш ва шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Амир Темури давлати билан дипломатик муносабатларини кучайтиришга интилиб, ундан ёрдам сўрашади. Г.Ҳидоятонинг ёзишича, “Амир Темури усмонийлар империясини мағлуб этгандан кейин унинг ўрнида Боязиднинг ўғиллари ва собиқ ҳарбий бошлиқлар раҳбарлигида бир неча қарам давлатларни ташкил этди. У бу давлатларнинг исрофгарчилик ва малол келтирувчи жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни ўз давлати таркибига қўшиб олмади. Бироқ уларни хушёрлик билан назорат қилиб боришни Озарбайжонни (маркази Табриз шаҳри) бошқариб турган ўғли Мироншоҳга топширди. Амир Темури Мироншоҳнинг ўғлини Боязиднинг қизига уйлантириб қўйди. Агар Амир Темури хоҳласа, бу никоҳдан туғилган ўғил усмонийлар империяси тахтига асосий даъвогарлардан бири бўлиши мумкин эди. Амир Темури кечаги ашаддий душманини ўзининг қудасига

¹ Shu joyda. 25 pp.

² Xayrullayev M. O‘zbek diplomatiyasi tarixidan. (From the history of Uzbek diplomacy). Toshkent, 2003. 41pp.

³ Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilik (Saodatga eltuvchi bilim). Toshkent., “Fan”, 1971. 419-421pp.

⁴ Nizomulmulk. Siyosatnoma (Policy). Toshkent., “Yangi asr avlodi”, 2008. 97pp

айлантирди. Бу Осиё анъаналари, менталитети ва ислом цивилизациясининг маънавий маданиятига асосланган дипломатия эди. Узоқни ўйлаб устомонлик билан амалга оширилган бундай келишув туфайли Туркия аҳолиси орасида ҳарбий мағлубиятларга қарамасдан, Амир Темурга нисбатан яхши хотира сақланиб қолди.

Амир Темур усмонийлар империяси устидан ғалаба қозонди, бироқ ичиқоралик қилмади, Боязид уруғларига барҳам бермади. Туркиянинг мактаб ўқувчилари учун чиқарилган тарих дарсликларида ҳозиргача Амир Темур туркий халқлар тарихида энг ёрқин шахс сифатида тилга олинади. Амир Темур дипломатиясини асосли равишда “Ақл ва жасорат билан қўлга киритилган кадр-қиммат ва улуғворлик” дея баҳолаш мумкин¹. Тадқиқотлар Ўзбекистонда дипломатик фаолият вужудга келишининг бошланғич босқичи сабоқ олса арзийдиган ўзига хос жиҳатларга бой бўлганини кўрсатади. Бу ушбу йўналишда мавжуд бўлган илмий-тадқиқот, таҳлилий, монография ишларини тизимга солиш, умумлаштириш заруратидан келиб чиқади.

Марказий Осиё дипломатияси қадимги даврларданоқ ўзига қўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган. Бу макон қадимдан жаҳон дипломатияси тараққиёти марказларидан бири бўлган. Жумладан, ўзбек дипломатиясининг тарихи ҳақида тўпланган маълумотлар ва сақланиб қолган дипломатик ҳужжатлар академик М.М.Хайруллаевнинг умумий таҳрири остида чоп қилган “Ўзбек дипломатияси тарихидан” китобида келтирилган. Мазкур китоб Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудларида қадимги даврлардан бошланган дипломатия тарихини ўз ичига олади.²

Тадқиқот ишида қадимги замонлардан то Россия истилосигача юртимиз ҳудудларида фаолият кўрсатиб ўтган давлатларнинг ташқи алоқаларига доир қимматли маълумотлар жамланган ва турли даврлардаги элчилик ишлари, дипломатик ёзишмалар хусусида фикр юритилган. Унда Марказий Осиё билан хорижий мамлакатларнинг элчилик ва дипломатик ёзишмаларини ўзида акс эттирган мажмуалар, хорижий мамлакатлар ва юртимизда чоп этилган асарлар, шунингдек, мавзуга алоқадор қуйидаги манбалар келтирилган: Масалан, XV-XVIII асрларга оид ёзишмалар, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланаётган нодир асарларга киритилган. Жумладан, Бухоро хони Абдуллахон II нинг Ҳиндистон подшоҳи Акбаршоҳга ёзган мактублари, Акбаршоҳнинг “Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуби”, Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирнинг Ҳиндистон подшоҳлари Шоҳ Жаҳон ва Аврангзебга мактублари ҳамда “Амир Хайдар мактублари” битилган қўлёзма манбалар, шунингдек, Давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

Собиқ СССР даврида чоп этилган бу китобларда ўрта асрларда Ўрта Осиё давлатлари билан олиб борган алоқалари ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Жумладан, академик Б.Ахмедовнинг “Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII вв.” китобида қизиқарли маълумотлар учрайди. “Абдуллахон II ва Акбаршоҳ тахтни эгаллаганидан кейин, – деб ёзади муаллиф, – ўз давлатларини мустаҳкамлашга, мустақил хонлик ва князликларни бўйсундиришга, янгидан-янги ўлкаларни босиб олишга киришдилар, Абдуллахон қаттиқ курашлар натижасида Балх ва Ҳиротни (1573), Шаҳрисабз, Қарши ва Ҳисорни (1574), худди шу йиллари Акбар Малва, Гондван, Читор ва Гужаратни забт этди. Ўша даврда иккала давлат ўртасида бир қатор дипломатик алмашинувлар бўлиб ўтди. Масалан, Абдуллахон 1572-73, 1577-78 ва 1586 йилларда Ҳиндистонга элчилар юборди³.”

¹ Xidoyatov G.A. Osnovi diplomatii (Fundamentals of Diplomacy). Toshkent, 2002. 18 pp.

² Xidoyatov G.A. Istoriya diplomatii (History of diplomacy). Toshkent, 2002. 376 pp.

³ Axmedov B. Istoriiko-geograficheskaya literatura Sredney Azii XVI-XVII vv (Historical and geographical literature of Central Asia XVI-XVII centuries). Toshkent. “Fan”., 1985. 53 pp.



Ўрта Осиё дипломатияси тарихи ҳақидаги қимматли маълумотлар АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Туркия ва Эронда босилган адабиётларда ҳам учрайди. Масалан, Э.Олвортнинг АҚШда чоп қилинган “Ўзбеклар” монографиясида “Ўзбек дипломатияси” ҳақида анча-мунча фикрлар баён этилган бўлса, хорижий шарқ мамлакатларида эълон қилинган қатор илмий тўпламларга Ўрта Осиёнинг бу давлатлар билан олиб борган алоқалари, турли даврлардаги ёзишмалари ҳақида қимматли маълумотлар киритилган. Тадқиқотда қадим замонлардан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр ичида юртимиз ташқи алоқаларида рўй берган воқеалар баён этилган.

Назарий методологик аҳамиятга эга дипломатик тадқиқотлар ичида “Основы дипломатии”¹ ва “История дипломатии”² асарлари алоҳида аҳамиятга эга. “Дипломатия асослари” асари давлат суверенитети ва замонавий дипломатия, халқаро ҳуқуқ, ташқи сиёсат, дипломатик протоколлар ва тадбирлар, консуллик хизматлари сингари боблардан иборат. Мазкур китобда дипломатик касбнинг асосий тамойиллари кўриб чиқилган. Буюк дипломатлар – Цезарь, Талейран, Бисмарк ва бошқа кўплаб машҳур дипломатларнинг фаолиятдан қизиқарли тарихий мисоллар келтирилган. Бу машҳур дипломатларнинг алоҳида ажралиб турадиган қобилиятлари сифатида ўз мамлакатни тақдири ва халқаро муносабатларга нисбатан дипломатик моҳирлиги орқали кўрсатган таъсир кучлари ёритилган. Жумладан, Гай Юлий Цезарнинг ўз сиёсий фаолиятини демократик гуруҳ тарафдори сифатида бошлаб, кейинчалик, қўлида республиканинг энг муҳим лавозимлари (диктатор, консул ва б.)ни жамлаб, амалда монарх бўлиб олгани; Шарль Морис Талейраннинг нозик дипломатик “ўйинлар” устасига айлангани; Отто фон Бисмаркнинг Германияни прусс милитаризми асосида бирлаштиргани, унинг Франция ва Россияга қарши қаратилган Учлар иттифоқи (1882) ташкилотчиларидан бири сифатидаги фаолияти қизиқарли мисоллар орқали ёритилган.

Г.Хидоятонинг “История дипломатии” асарида Марказий Осиё, жумладан, Амир Темур ва Бобурнинг жаҳон дипломатияси тарихидаги ўрни ўрганилган. Мазкур асарда дипломатияни тадқиқ этишда муаллиф томонидан назарий асос сифатида олинган тарихий методга нисбатан муносабат алоҳида ўрин тутаяди. Муаллифнинг таъкидлашича, “халқаро муносабатларнинг қандайдир аниқ назариясини ишлаб чиқишнинг имконияти йўқлиги тарихий тажрибага мурожаат қилишга ундайди. Бу эса, шунга мувофиқ хулосалар ва фикрлар қилишга ҳамда уларни ҳозирги замон дипломатларининг амалий фаолиятида фойдаланишга имкон беради. Тарих ҳаётнинг буюк ўқитувчисидир ва ҳеч бир шубҳа йўқки, дипломатия тарихи ҳам худди шундай ўқитувчи бўла олади. Дипломатия тарихининг ёрқин саҳифалари таниқли дипломатларнинг ишлари, буюк дипломатик ғалабалар ва мағлубиятлар бўлажак дипломатлар учун тенгсиз дарслик бўла олиши мумкин ҳамда маълум бир даврнинг эҳтиёжларини акс эттирадиган назарияларнинг ўрнини боса олади”³.

Тарихий тадқиқотлар жараёнида дастлабки дипломатик кадрлар, уларнинг фаолиятига ҳам эътибор қаратилган. Дастлабки ўзбек дипломатик кадрлари ҳақида Қ.Хоназаровнинг 2011 йилда ЖИДУда нашр қилинган “Дипломатиямизда биринчи қалдирғоч кадрлар”⁴ номли монографиясини, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети базасида чоп этилган “Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи”⁵ номли тадқиқот ишини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

¹ Xidoyatov G.A. Osnovi diplomatii (Fundamentals of Diplomacy). Toshkent., 2002. 18 pp.

³ Xidoyatov G.A. Istoriya diplomatii (History of diplomacy). Toshkent, 2002. 377 pp.

³ Xayrullayev M. O‘zbek diplomatiyasi tarixidan. (From the history of Uzbek diplomacy). Toshkent, 2003. 376 pp.

⁴ Xonazarov Q. Diplomatiyamizda birinchi qaldirg‘och kadrlar (The first swallow cadres in our diplomacy). Toshkent. JIDU., 2011. 120 pp.

⁵ Istoriya mejdunarodnix otnosheniy i diplomatii (History of international relations and diplomacy). Toshkent. NUUIMU., 2002. 60 pp.

А.Расулов, А.Воҳидов, И.Мавлонов, С.Сафоев, Қ.Жўраев, С.Жўраев, Ҳ.Нуриддинов, С.Шаропова, А.Файзуллаев ишларида замонавий дипломатиянинг фаолияти, иқтисодий дипломатия, парламент дипломатияси, оммавий ва рақамли дипломатия, бу соҳаларда кадрлар тайёрлаш масаласи бўйича тадқиқотлар олиб борилган¹. Жумладан, тадқиқотчи И.Р.Мавлоновнинг таъкидлашича: “дипломатия биринчи навбатда ўз субъектларидан фойдаланган ҳолда миллий манфаатлар ҳамда ташқи сиёсий йўналиш амалга оширилишини таъминлайди, унинг субъектлари орасида давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг, ташқи ишлар вазирлари, ташқи ишлар муассасалари, хориждаги дипломатик ваколатхоналар, халқаро анжуманлардаги делегациялар фаолияти ажралиб туради”. Муаллиф Ўзбекистон дипломатиясининг устувор йўналишларини таҳлил қилар экан: “... мамлакат тараққиётининг у ёки бу босқичида муайян вазият ва миллий манфаатлар шакллантирилишига боғлиқ ҳолда ҳамкорликнинг қандайдир муайян кўринишига урғу берилиши мумкин. Масалан, мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон дипломатиясида иқтисодий ҳамкорлик марказий ўринлардан бирини эгаллай бошлади. Мамлакатдаги иқтисодий вазият мураккаб эди, шу сабабдан иқтисодий алоқалар ҳар томонлама ривожланишга муҳтож экани алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон раҳбарияти мураккаб халқаро вазиятларда мамлакат иқтисодиёти масалаларини ҳал қилган ҳолда мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўз ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга ва дипломатияни ривожлантиришга киришди,”² – деб таъкидлайди.

Дипломатик фаолиятнинг янги йўналишларини тадқиқ қилган ҳолда И.Мавлонов “дипломатик фаолиятнинг мумтоз шакллари ва вазифалари сақланиб қолганига қарамадан, халқаро муносабатлардаги янги жиҳатлар – кўп томонлама ва минтақавий дипломатиянинг, олий ва юксак даражадаги дипломатиянинг жадал ривожланиши, мисли кўрилмаган халқаро иқтисодий муносабатлар, “дипломатия иккинчи йўналиши оқими” барибир XX аср охири ва XXI

¹ Rasulova A. [Stanovleniye i formirovaniye diplomatii i diplomaticheskoy slujbi Respubliki Uzbekistan i podgotovka diplomatov v sovremennix usloviyax]. Materiali kruglogo stola na temu: “Voprosi formirovaniya i razvitiya uzbekskoy shkoli diplomatii [Issues of formation and development of the Uzbek school of diplomacy]. Toshkent, 2012. pp. 38-43. (In Uzbekistan); Vaxidov A. [Rol sistemnogo povisheniya kvalifikatsii diplomaticheskix kadrov] . Materiali kruglogo stola na temu: “Voprosi formirovaniya i razvitiya uzbekskoy shkoli diplomatii”. [Issues of formation and development of the Uzbek school of diplomacy]. Toshkent, 2012. pp. 17-20. (In Uzbekistan); Mavlanov I.R. [Razvitiye ekonomicheskoy diplomatii Respubliki Uzbekistan, sovremenniy vizi i nekotorye podxodi k ix preodoleniyu]. Materiali kruglogo stola na temu: “Voprosi formirovaniya i razvitiya uzbekskoy shkoli diplomatii”. [Issues of formation and development of the Uzbek school of diplomacy]. Toshkent, 2012. pp. 23-32. (In Uzbekistan); S.Safoyev [Hozirgi zamon xalqaro munosabatlari va parlamentlararo hamkorlik]. XXI asrda jahon siyosati va O'zbekiston tajribasi: siyosiy, huquqiy va ijtimoiy jihatlar [World politics and the experience of Uzbekistan in the XXI century: political, legal and social aspects] O'zbekiston Respublikasi miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. Toshkent, 2015. pp. 6-8. (In Uzbekistan); Jo'rayev Q. O'zbekiston diplomatiyasi mustaqillik yillarida: yutuqlar va vazifalar [Diplomacy of Uzbekistan in the years of independence: achievements and tasks] . Xalqaro munosabatlar, 2002. №2. pp 55-58; Jurayev S.A. [Noviye tendensii publichnoy diplomatii]. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. “XX asrda jahon siyosatida Arxitektonik o'zgarishlar: Realpolitik konsepsiyasi va O'zbekiston amaliyoti” [Architectural changes in world politics in the twentieth century: the concept of realpolitik and the practice of Uzbekistan]. Toshkent, 2014. pp. 69-70. (In Uzbekistan); Nuriddinov H. O'zbekistonning ko'p vektorlik zamonaviy diplomatiyasining SHHT doirasida rivoj topish istiqbollari [Prospects for the development of modern multi-vector diplomacy of Uzbekistan within the SCO]. Xalqaro munosabatlar, №1, 2010. pp. 99-104; Sharapova S.Sh. Mnogostoronnyaya diplomatiya Respubliki Uzbekistan: uchastie v universalnix, regionalnix i subregionalnix organizatsiyax, mejhgosudarstvennix obyedineniyax. Avtoref. dis. d-ra polit. nauk.[Multilateral diplomacy of the Republic of Uzbekistan: uchastie v universalnix, regionalnix i subregionalnix organizatsiyax, mezhgosudarstvennix obyedineniyax. Autoref. dis. polit. science]. Toshkent, 2006; Fayzullayev A. Psixologicheskiye aspekti diplomaticheskoy deyatelnosti [Psychological aspects of diplomatic activity]. Mejdunarodniye otnosheniy. 2003. №3. pp. 50-57.

² Mavlanov I.R. Ekonomicheskaya diplomatiya Indii v usloviyax transformatsii mirovogo poryadka (India's Economic Diplomacy Amid the Transformation of the world order). Toshkent. UMED., 2010. 96 pp.



аср бошларидаги дипломатияга жиддий таъсир кўрсатди ҳамда энг аввало дипломатик ваколатхоналар орқали амалга ошириладиган анъанавий дипломатияга нисбатан катта шубҳаларни вужудга келтиргани”¹ борасидаги фикрларни илгари суради.

Муаллифнинг фикрига кўра, “иқтисодий глобаллашувнинг, халқаро иқтисодий инкирозларнинг кучайиши юз бераётган бугунги шароитларда дипломатик фаолият ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ бўлиб қолди. XXI асрнинг бошларида дипломатия зиммасидаги иқтисодий юклама ўта муҳим ўринни эгаллай бошлади”. Сўнгга у “шунга боғлиқ ҳолда дипломатик фаолиятнинг шакллари ҳам янада турлича бўла бошлади ва бугунги кунда фақат элчихоналар ва лавозимли дипломатлар фаолияти билан чекланмайди. Халқаро иқтисодий муносабатларни йўлга солиш муаммолари эндиликда аксарият давлат тузилмаларининг, шунингдек, жаҳон сахнига кириб келган ноҳукумат иштирокчиларнинг муаммоларига айланмоқда”².


Замонавий дипломатия фаолияти А.Қосимов, А.Саидов, М.Рахимов, Э.Нуриддинов, А.Қирғизбоев, Д.Бобохўжаева, А.Шаропов, С.Пўлатова, Г.Табак, Н.Ибрагимова, К.Асирбобоева, К.Тошматова, Р.Асадова, Қ.Маҳолиқов, С.Атажанова, Н.Зиямов, Х.Бекмуродов, Д.Маҳкамова, Г.Мўминова, А.Холлиев, Б.Ғиёсов каби тадқиқотчилар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва дипломатиясининг шаклланиш босқичлари, мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги иштироки, у ёки бу давлатлар билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, илмий, илмий-техникавий, маданий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги масалаларини ёритишган³.

¹ Shu joyda.

² Shu joyda.

³ Kasimov A.M. Vaskin I. Osnovniye napravleniya vneshney politiki Respubliki Uzbekistan (The main directions of foreign policy of the Republic of Uzbekistan) Toshkent, 1994; Saidov A.X. Uzbekistan i OBSE: grani sotrudnichestva (Uzbekistan and the OSCE: the verge of cooperation) Toshkent, 1998; Raximov M. Sotrudnichestvo Respubliki Uzbekistan so spetsializirovannimi uchrejdeniyami OON v 1991 – 1999 gg. (na primere YUNESKO). Avtoref. Diss [Cooperation of the Republic of Uzbekistan with specialized UN agencies in 1991 - 1999 (on the example of UNESCO). Abstract of thesis. diss.]. Toshkent, 2000; Nuriddinov E. Mejdunarodnoye sotrudnichestvo Respubliki Uzbekistan so stranami Yevropi (International cooperation of the Republic of Uzbekistan with European countries) Toshkent, “Cho‘lpon”, 2002; Qirg‘izboyev A. O‘zbekiston Respublikasining Osiyo mamlakatlari bilan xalqaro hamkorligi (International cooperation of the Republic of Uzbekistan with Asian countries) Toshkent, “Fan”, 2004; Babaxajayeva D. Osnovniye tendensii i napravleniya mejdunarodnogo kulturno-gumanitarnogo sotrudnichestva Respubliki O‘zbekistan. Avtoref. diss. d.i.n.[Osnovniye tendensii i napravleniya mejdunarodnogo kulturno-gumanitarnogo sotrudnichestva Respubliki O‘zbekistan. Avtoref. diss.]. Toshkent, 2011; Sharapov A.A. Osiyo-Tinch okeani mintaqasi davlatlari O‘zbekiston Respublikasi xalqaro munosabatlari tizimida (XXR, Yaponiya, Janubiy Koreya, Malayziya, misolida). Siyos. fan. nomzodi diss.

[The countries of the Asia-Pacific region in the system of international relations of the Republic of Uzbekistan (China, Japan, South Korea, Malaysia, for example). Politics. fan. candidate diss.]. Toshkent, 2008; Pulatova S.A. Razvitiye mejdunarodnix kulturnix svyazey nezavisimogo Uzbekistana i ix znachenije kak faktora ukrepleniya yego stabilnosti. Avtoref. dis. k.i.n.[Development of international cultural ties of independent Uzbekistan and their importance as a factor in strengthening its stability. Abstract of thesis. dis. Ph.D.]. Toshkent, 1994; Tabak G. Rol kulturnix i istoricheskix traditsiy vo vneshney politike Respubliki Uzbekistan. Diss. na soisk. uch. step. kand. polit. n [The role of cultural and historical traditions in the foreign policy of the Republic of Uzbekistan. Diss. for a job. uch. steppe. Cand. polit.]. Toshkent, 2004; Ibragimova N.Sh. Sravnitelniy analiz politicheskix vzaimootnosheniy Respubliki Uzbekistan s Respublikoy Indiya i Islamskoy Respublikoy Pakistan na sovremennom etape. Diss. na soisk. uch. step. kand. polit. n. [Sravnitelniy analiz politicheskix vzaimootnosheniy Respubliki Uzbekistan s Respublikoy Indiya i Islamskoy Respublikoy Pakistan na sovremennom etape. Diss. na soisk. uch. step. kand. polit. n.]. Toshkent, 2004; Asirabayeva K.S. Respublika Uzbekistan i Respublika Koreya: protsessi modernizatsii i perspektivi sotrudnichestva. Diss. na soisk. uch. step. kand. polit. n. [The Republic of Uzbekistan and the Republic of Korea: processes of modernization and prospects for cooperation. Diss. for a job. uch. steppe. Cand. polit.]. Toshkent, 2007; Tashmatova K. Ekonomicheskoye i kulturnoye sotrudnichestvo Uzbekistana i drugix gosudarstv Sentralnoy Azii s Kitayskoy Narodnoy Respublikoy (1991–2011 gg.) (Economic and cultural cooperation of



И.Мавлоновнинг фикрига кўра, “XXI асрда дипломатия давлатлар ва жаҳон саҳнидаги бошқа иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатини таъминлаган ҳолда ташқи сиёсат ва иқтисодиётда асосий ролни ўйнашда давом этади. Бу энг аввало биз маҳаллий институтлар асосида янгича жаҳон тартиботи пойдеворининг пайдо бўлиши ва тикланиши ибтидосида турганимиздан, буларда эса янгича иқтисодий тартибот барпо этишнинг зўравонлик усуллари маъқул келмаслиги, балки икки томонлама, кўп томонлама ва минтақавий дипломатиянинг таъсирчан воситалари зарур бўлишидан келиб чиқади”.¹

Ҳақиқатан ҳам, жаҳонда давом этаётган глобал ўзгаришлар шароитида халқаро муносабатлар вазифаларининг мураккаблашиши, унинг амалдаги иштирокчилари ва дипломатия шакллари миқдорига қараб, ташқи иқтисодий масалаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш масалаларида бош иштирокчиларнинг дипломатик фаолияти ҳам мураккаблашиб боради. Бу маънода эса дипломатия ҳамда иқтисодий дипломатия йўналишининг таназзули эмас балки ривожланаётгани борасида сўз юритиш жоиз.

Бугунги кунда дипломатияда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш масалаларининг долзарблиги ошиб бормоқда. Шу муносабат билан, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг тизим сифатида шаклланиши билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Бу жиҳатдан Р.Алимовнинг “Марказий Осиё: манфаатлар умумийлиги” номли монографияси алоҳида қийматга эга. Унда Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг объектив имкониятлари, тарихий, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, минтақавий ҳамкорликнинг тажрибалари тадқиқ қилинган.²

Шунингдек, Марказий Осиёда геосиёсий кучлар мувозанати, АҚШ, Россия, Хитой, ЕИ, Япония ва бошқа қудратли марказларнинг манфаатлари кесишуви муаммолари ёритилган. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида БМТ, НАТО, ЕХХТ, ШХТ, КХШТ сингари халқаро ташкилотларнинг роли ҳам ўрганилган. Муаллиф минтақавий хавфсизликка асосий

Uzbekistan and other states of Central Asia with the People's Republic of China (1991-2011) Toshkent, 2012; Asadova R. Sotrudnichestvo mejdu Uzbekistanom i Indiyey v oblasti ekonomiki i kulturi: istoricheskiye osnovi i sovremennoye sostoyaniye (1991 – 2001). Avtoref. diss. k.i.n. [Sotrudnichestvo mejdu Uzbekistanom i Indiyey v oblasti ekonomiki i kulturi: istoricheskiye osnovi i sovremennoye sostoyaniye (1991-2001). Avtoref. diss.]. Toshkent, 2007; Maxoliqov Q. O'zbekiston Respublikasi va Yevropaning frankafon davlatlari o'rtasida madaniy aloqalar tarixi (Fransiya, Shveysariya va Belgiya misolida (1991-2005)). T.f.n. diss. Avtoref. [History of cultural relations between the Republic of Uzbekistan and the Francophone countries of Europe (on the example of France, Switzerland and Belgium (1991-2005)). diss. Autoref.]. Toshkent, 2008; Bekmuratov X.I. O'zbekistonning Turkiya bilan iqtisodiy va madaniy hamkorligi (1991–2000 yillar). T.f.n. diss. Avtoref. [Economic and cultural cooperation of Uzbekistan with Turkey (1991-2000). diss. Autoref.]. Toshkent, 2001; Ziyamov N. Rol Uzbekistana v me'jgosudarstvennom ekonomicheskoy i kulturnoy sotrudnichestve stran Sentralnoy Azii (1991 – 2001gg.). Avtoref. diss. k.i.n. [The role of Uzbekistan in the interstate economic and cultural cooperation of the countries of Central Asia (1991 - 2001). Abstract of thesis. diss. Ph.D.]. Toshkent, 2002; Maxkamova D. Uzbekistan v sisteme mejdunarodnix kulturnix svyazey (osobennosti i zakonomernosti istoricheskogo razvitiya). Avtoref. diss. k.i.n. [Uzbekistan in the system of international cultural relations (features and patterns of historical development). Abstract of thesis. diss. Ph.D.]. Toshkent, 2005; Muminova G.M. Politiko-pravovoy aspekt sotrudnichestva Respubliki Uzbekistan i Yevropeyskogo Soyuza. Dis. na soisk. uch. step. kand. polit. n. [Political and legal aspect of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the European Union. Dis. for a job. uch. steppe. Cand. polit.]. Toshkent, 2007; Xolliyev A. Ekonomicheskoye, nauchno – texnicheskoye kulturnoye svyazi nezavisimogo Uzbekistana s Velikobritaniyey i SShA. Avtor. diss. k.i.n. [Economic, scientific - technical and cultural ties of independent Uzbekistan with Great Britain and the USA. Author. diss. Ph.D.]. Toshkent, 1998; Giyasov B.T. i.dr. Mejdunarodniye otnosheniya i diplomatiya na sovremennom etape (International relations and diplomacy at the present stage) Toshkent, 2009.

¹ Mavlanov I.R. Ekonomicheskaya diplomatiya Indii v usloviyax transformatsii mirovogo poryadka (India's Economic Diplomacy Amid the Transformation of the world order). Toshkent. UMED., 2010. 98 pp.

² Alimov R.M. Sentralnaya Aziya: Obshnost interesov (Central Asia: Common Interest) Toshkent, 2005.

таҳдидларни таҳлил қилиш жараёнида Афғонистон муаммолари, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик, Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилоти каби масалаларга алоҳида эътибор берилган. Муаллифнинг хулосаларига кўра, минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасида дипломатияни кучайтириш масалларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Бу жиҳатдан Қозоғистон Ўзбекистоннинг асосий шериги бўлиши лозим. Муаллифнинг кейинги фикрларида АҚШ, Россия, ЕИ, Хитой ва Япония каби давлатлар хавфсизликнинг “таянчи” сифатида кўрсатиб ўтилган. Мазкур монографиянинг асосий матнида эса мазкур давлатлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича сиёсий таъсирини қанчалик камайтирса, вазият шунчалик барқарорлашишига умид билдирилган. Бу давлатларнинг иштироки тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида кўмакчилик доирасидан чиқмаслиги лозимлиги кўрсатилган. Муаллиф томонидан НАТО, ШХТ, БМТ, ЕХХТ ва КХШТ, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Покистон давлатларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Ш.Арифхановнинг “Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность”¹ ҳамда Ч. Кўчаровнинг “Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари”² номли монографияларида Ўзбекистон Республикасининг дипломатияси олдида ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида халқаро таҳдидларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари таҳлил этилган.

И. Бобоқулов МДХнинг минтақавий хавфсизликдаги ролини ўрганган ҳолда МДХнинг ўзаро муносабатлар тизимидаги заиф субординациясини ҳамда қарорлар қабул қилишда ён бериш хусусиятлари тўла шакллантирилмаган ташкилот эканини кўрсатиб ўтади³.

Дипломатияни ўрганишнинг муҳим йўналишларидан бири унинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш бўлиб, бу борада Л.Саидова томонидан ёзилган “Ўзбекистон Республикаси дипломатик фаолиятининг ҳуқуқий асослари номли” монографияси муҳим аҳамиятга эга.⁴ Мазкур тадқиқотда Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги дипломатик ҳуқуқларни амалга ошириши тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон мисолида дипломатик ҳуқуқнинг асосий институтлари фаолияти таҳлил қилинган, дипломатик ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқий манбалари, мамлакатимизда дипломатик фаолиятни тартибга соладиган ички давлат қонунчилиги тадқиқ қилинган ҳамда унинг ривожланиш динамикаси ўрганилган. Шунингдек, мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг дипломатия соҳасидаги конституциявий ваколатлари қиёсий таҳлил қилинган. Мамлакатнинг халқаро алоқаларини амалга оширишда давлат бошлиғининг ваколатлари, Олий Мажлиснинг имкониятлари, ҳамда Парламентнинг халқаро фаолиятлар бўйича асосий йўналишлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дипломатик фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш борасидаги функциялари очиқ берилган. Уларда эътибор Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг ташқи сиёсий идора сифатида қарор топиши ва ривожланиши жараёни, вазирлик минтақавий бўлинмаларининг дипломатик алоқаларни амалга оширишдаги вазифалари, дипломатик протокол ва уларнинг қўлланилиш меъёрлари ҳамда ташқи муноса-

¹ Arifxanov Sh.R. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность (Central Asia: Regional Integration and Security) Toshkent, 2007.

² Ko'charov Ch.Sh. Markaziy Osiyoning mintaqaviy integratsion jarayoni muammolari (geosiyosiy tahlil tajribasi) (Problems of the regional integration process in Central Asia (experience of geopolitical analysis). Toshkent, “Fan”, 2008. 200 pp.

³ Bobokulov I.I. Mejdunarodno-pravoviye aspekti regionalnoy bezopasnosti: voprosi teorii i praktiki (International legal aspects of regional security: theory and practice) Toshkent, 2010. 113 pp.

⁴ Saidova L. Pravoviye osnovi diplomaticheskoy deyatel'nosti Respubliki Uzbekistan (Legal bases of diplomatic activity of the Republic of Uzbekistan) Toshkent, “Natsionalniy sentr Respubliki Uzbekistan po pravam cheloveka”, 2001. 192 pp.

батлар бўйича хорижий органларнинг ҳуқуқий мақоми, элчихоналар фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар, халқаро ташкилотлар ўртасида кўп томонлама дипломатияни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколотхоналарининг ҳуқуқий асослари, уларнинг глобал, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишдаги иштироки, мамлакатнинг доимий ва вақтинчалик дипломатик миссия ҳуқуқи, халқаро саҳналарда Ўзбекистоннинг дипломатик фаолиятини кучайтириш, унинг хорижий мамлакатлардаги консуллик идораларининг ваколатлари ва функциялари фаолиятини ташкил қилиш масалалари баён этилган.

И.Умароҳуновнинг “Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ҳуқуқ” номли монографиясида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда дипломатиянинг роли ёритиб берилган.¹ Мазкур монографияда Ўзбекистон дипломатиясининг халқаро миқёсда ҳужжатлар ва консултацияларни таснифлаштиришдаги фаолияти, шартномавий ҳуқуқ ижодкорлиги кўрсатилган. Дипломатик идораларда халқаро шартномалар амалиёти бўйича, шунингдек, давлатлараро шартномаларнинг амал қилиши ва самарадорлигини доимий назорат қилиш бўйича қатор тавсиялар берилган. Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг хорижий контрагентлар, шериклар билан ишлайдиган давлат ижро органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролини оширишга доир таклифлар берилган. Шунингдек, муаллиф Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятига дахлдор бўлган қонуний актлар ва шартномаларни мамлакатимизни халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кодификация қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси дипломатияси фаолиятини тадқиқ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири, бу дипломатик протокол ва этикет ҳисобланади. Шу муносабат билан, Л.Абдуллаеванинг “Дипломатик протокол ва этикетнинг ўзига хос хусусиятлари: Ўзбекистон Республикасининг тажрибаси” номли тадқиқот ишини келтириш мумкин.² Мазкур ишда дипломатик протокол ва этикетнинг тарихий ҳамда замонавий назариялари, асосий қонуниятлари ва амалиёти очиқ берилган. Унда Ўзбекистон Республикасида протокол амалиётининг тайёрланиши масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Тадқиқотчининг фикрича, миллий протокол меъёрлари инсонлар ўртасида вужудга келган ва уларнинг турмуш тарзига сингиб кетган одатлар, ҳуқ-атвор меъёрлари бўлиб, у доимо ўзининг зарурияти ва фойдалилигини намоён қилади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бизнинг протоколимизда учрайдиган Британия ёки Америка протоколи амалиётининг алоҳида элементлари бу улардан нусха олганимизни англатмайди, балки уларнинг миллий анъаналар ва халқаро меъёрлар билан уйғунлашувидир. Ўзбекистон Республикаси протоколининг ўзига хос хусусияти унинг шарқона меҳмондўстлик анъаналарига содиқлиги ва бошқа мамлакатларнинг анъаналарига ҳурмат билан қарашидир. Улар ортиқча дабдабалардан ҳоли ва қатъий демократик характерга эга, шунингдек, мазкур тадқиқотда маросим меъёрлари, дипломатик иммунитет ва имтиёз муаммолари масалаларига кенг аҳамият қаратилган.

Д.Раҳимбоева Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига бағишланган диссертациясида 1944-2001 йилларда Ўзбекистонда дипломатия хизмати шаклланиш тарихининг асосий жиҳатлари ўрганилган³. Тадқиқот иши мамлака-

¹ Umaraxunov I.M. Respublika Uzbekistan i mejdunarodnoye pravo (Republic of Uzbekistan and international law) Toshkent, “Uzbekistan”, 1998. 309 pp.

² Abdullayeva L.M. Osobennosti diplomaticheskogo protokola i etiketa: praktika Respubliki Uzbekistan [Features of diplomatic protocol and etiquette: practice of the Republic of Uzbekistan]. Toshkent, “Zar Qalam”, 2005. 176 pp.

³ Raximbayeva D.V. O‘zbekistonda diplomatiya xizmatining shakllanish va rivojlanish tarixi Siyosiy fanlar. nomzodi dis. aftoreferati [History of formation and development of the diplomatic service in Uzbekistan Political science. candidate dis. aftoreferati]. Toshkent, 2007. 25 p.



тимиз дипломатия хизматининг ташаббускорлик ва фаоллик омилларининг айрим қирралари атрофлича ёритиб берилгани билан аҳамиятлидир.

Дипломатияни ўрганишда дипломатнинг шахсий сифатлари, тарбиявий жиҳатлари катта ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан, А.Файзуллаев томонидан дипломатнинг мотивацияси ва шахсий сифатлари, дипломатик фаолиятнинг психологик жиҳатлари ёритилган тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим¹. Бу ишларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, уларда мамлакатимиз дипломатларига нисбатан қўлланиладиган талаблар борасида кўрсатмалар мавжуд. Жумладан, дипломатнинг шахсий сифатлари, мақсадли ҳаракатлари, ҳаётий позицияга эгаллиги ва ишонтириш лаёқати билан мустаҳкамланган бўлишига урғу берилган. Дипломатнинг зарурий шахсий сифатлари ичида Ватанга содиқ бўлиш, киришимлилиқ, иродалилиқ, аниқлик, ўзини тута билиш, мантикий фикрлаш ва нутқ маданияти, бошқаларни эшитиш, ишонтириш, вазиятни аниқ баҳолай олиш ва ундан фойдаланиш, воситачи сифатида ҳаракат қила билиш, тарғиботчилик хусусиятларига эга бўлиш, интилувчанлик, мураккабликларни бартараф этиш қобилияти, бамайлихотирлик, экстремал шароитларда ишлай олиш, бошқа маданият ва жисмоний муҳитга мослаша олиш, ўз касбини севиш, бошқа маданият ва тилларни билишга интилиш, ҳалоллик, ростгўйлик, масъулиятлилиқ, жисмоний сифатлар, интеллектуал хусусиятлар, яъни яхши хотира, таҳлилий қобилият кабилар муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган барча тадқиқотлар Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига бағишланган. Дипломатия сиёсий инструмент сифатида ташқи сиёсат воситалари ичида етакчи ўрин тутди ва халқаро ҳуқуқнинг кенг миқёсли меъёрлари ҳамда ички қонунчилик билан тартибга солинади. Дипломатия хорижий ҳудудларда ташқи сиёсий функцияларни амалга ошириш жараёнида давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, музокаралар олиб бориш, шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш, давлатлар ўртасида кенг ҳамкорликни таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун эса дипломатия илмий асосга таянмоғи лозим.

Дипломатиянинг назарий ва илмий асослари доимий ривожланишда бўлиб, янги ғояларни ишлаб чиқиш, амалий тажрибаларни умумлаштириш, халқаро муносабатлар қонуниятларини акс эттириш уни ҳаракатлантирувчи асосий омил ҳисобланади. Ахборот тизимларини ривожланиши ва глобаллашув дипломатия фаоллигини оширишни, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан А.Расуловнинг: “Замонавий илмий техник таъминот, информатика, ақлий меҳнатнинг компьютерлашуви, интернетдан фойдаланиш кабилар дипломатия ривожланиши учун муҳим омил бўлмоқда”, – деган фикрлари эътиборга лойиқ².

Дипломат ва унинг амалий имкониятларини кенгайтиришда янги информацион технологиялар, биринчи галда компьютер тармоқлари зарурий ахборотларни олиш ва қайта ишлашда, уларни тезлик билан тақдим қилишда намоён бўлади. Янги техника дипломатнинг амалий фаолияти ҳисобланган таҳлилий, ахборот, консуллик, девонхона билан боғлиқ ишларини енгиллаштиради ва тезлаштиради.³ Кўриниб турибдики, ахборот омили дипломатияни технологик

¹ Fayzullayev A. Motivatsiya i lichnost diplomata [Motivation and personality of the diplomat]. Mejdunarodniye otnosheniY. 2004. -№2.. pp .62-70; Psixologicheskiye aspekti diplomaticheskoy deyatelnosti [Psychological aspects of diplomatic activity]. Mejdunarodniye otnosheniY. 2003. №3. pp. 50-57.

² Rasulova A. [Stanovleniye i formirovaniye diplomatii i diplomaticheskoy slujbi Respubliki Uzbekistan i podgotovka diplomatov v sovremennix usloviyax]. Materiali kruglogo stola na temu “Voprosi formirovaniya i razvitiya uzbekskoy shkoli diplomatii” [Formation and development of the Uzbek school of diplomacy]. Toshkent, 2012. (In Uzbekistan)

³ Shu joyda.



таъминлашдан ташқари янги хизмат усуллари, яъни глобаллашув шароитида ташқи сиёсий фаолият мақсадларига эришишнинг янги назарияларини ишлаб чиқишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Анъанавий жиҳатдан дипломатия назарияси тарихий методологияга таянади, у халқаро муносабатлар назариясига узвий боғлиқ фанлар билан тартибга солинади.

Ахборот инқилоби ва янги технологиянинг жадаллик билан ривожланиши шароитида дипломатик фаолият оператив жавоб бериш асосидаги янги билимларни ўзлаштиришга нисбатан ўзига хос ёндашувларга зарурат сезади. Бунинг боиси, замонавий дипломатия ниҳоятда беқарор ва тез ўзгарувчан муҳитда фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ахборотни йиғиш, текшириш, тизимлаштириш ва ундан самарали фойдаланишнинг миллий тизимлари ва методларини яратиш долзарб масалага айланди. Пренстон Университети профессори Р.Фалькнинг фикрича, дипломатнинг вазифаси ахборотни билимга, билимни эса инсониятнинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган донишмандликка айлантиришда намоён бўлади.¹

Ўзбекистонда дипломатияни ўрганиш мамлакат мустақилликни кўлга киритиши ва ташқи сиёсатни амалга оширадиган институтларни вужудга келиши билан бошланди. Улар бир қанча йўналишларни, яъни глобаллашув шароитларига мослашиб, ташқи сиёсий вазиятни таҳлил қилиш, дипломатиянинг механизм ва методларини ривожлантириш, халқаро шартномаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, икки ва кўп томонлама фаол ҳамкорлик, давлатнинг халқаро майдондаги манфаатларини ҳимоя қилишни илгари суради. Мамлакат дипломатияси бугунги кунга келиб бир қанча сифатларга эга бўлди ва доимо ривожланиб бормоқда. Бу инсонпарварлик, халқаро келишувларнинг мустаҳкам асосини таъминлаш, “олдини олиш дипломатияси” методологиясидан фаол фойдаланиш, конструктивизм, реализм ва бошқа сифатлар ҳисобланади.

Хулоса. Илмий адабиётлар таҳлили кўрсатадики, Ўзбекистон дипломатияси миллий ва хорижий тадқиқотчилар учун долзарб илмий тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз тадқиқотчиларнинг кўпчилики асарларида дипломатия Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тамойиллари олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўрганилмоқда. Дипломатик муносабатларнинг амалий тажрибасини умумлаштирувчи ва қонуниятларни акс эттирувчи янги ғояларни излаш ва ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий фаолияти такомиллашув жараёнларига эҳтиёж ошмоқда.

Ахборот тизимларининг ривожланиши оммавий дипломатиянинг имкониятини анча кенгайтириш билан бирга, ижтимоий фикрга муносабат билдиришнинг янгича ёндашувларини яратишга мажбур этади. Ахборот омили технологик вазифаларни ҳал қилиш ҳамда дипломатик хизмат ишининг янги усуллари ишлаб чиқиш, глобаллашув шароитида ташқи сиёсий фаолият мақсадларига эришишнинг янгича назарияларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирмоқда.

Замонавий дипломатия ўта беқарор ва жадал ўзгараётган муҳитда фаолият олиб бормоқда. Ахборот инқилоби, янги технологияларнинг ўта жадал ривожланиши шароитларида олиб борилаётган дипломатик иш ҳар қандай ҳодисаларга тезкор жавоб топиш асосидаги билимлар ва янгича ёндашувларга муҳтождир. Бундай вазиятда ахборотни жамлаш, текшириш ва тизимга солишнинг, шунингдек, ундан самарали фойдаланишнинг тизимлари ва усуллари шакллантириш зарур.



1 Diplomiya: Modeli, formi, metodi Uchebnik dlya vuzov (pod red. T. V. Zonova Moscow, “Aspekt press”, 2013. 29 pp)